

ШАРТНОМА № 1

12.декабр.2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома **Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими** (келгуси матнларда “**Харидор**” деб юритилади) низомга асосан фаолият юритувчи номидан раҳбари **А.Хонкелдиев** бир томондан, **ООО PROGRESS-PLUS-BUSINESS** (келгуси матнларда “**Сотувчи**” деб юритилади) номидан раҳбари **Б.Абдурахмонов** иккинчи томондан қуйидаги мазмунда ушбу шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

Т/р	Товарларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нарҳи	Суммаси
1	Алимин профил эшик ромларини ўрнатиш	кв.метр	25	800000	20000000
2	-	-	-	-	-
3	-	-	-	-	-
4	-	-	-	-	-
	Ж а м и:	-	-	-	20000000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: **20000000 (йигирма миллион) сўм**

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан 30 фоиз, махсулот етказиб берилганидан сўнг 70 % миқдорида пул ўтказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро қелишилган ҳолда қушимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний қучга қиргандан сўнг товарни белгиланган муддат ичида «Харидор»га етказиб бериш шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос қелиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада қўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Махсулотлар бозор ва интернетдаги нарҳларга асосланган ҳолда етказиб берилади. Ўтказилган тафтиш натижасида назорат қилувчи органлар томонидан нарҳлар юқори деб топилса фарқ сумма сотувчи томонидан қопланади.

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа қўрсаткичларини қўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реқвизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк қелиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 10 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари қўрсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (еталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцепсиз тартибда ундириб олинади.

7.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

7.3. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбир этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

8.2. "Буюртмачи" "Ижрочи" га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Ижрочи" нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимираши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни 1,5 кун ичида огоҳлантириши шарт.

9.3. Агар бартараф қилиб булмайдиغان куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

X. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг қелишуви билан хал қилинади. Узаро қелишилмаса иқтисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг узаро қелишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан қелтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик булинмасида руйхатдан утказилганидан сунг қонуний қучга қиради.

10.4. Ушбу шартнома 12.12.2022 йилдан 31.12.2022 йил гача тузилди.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Х А Р И Д О Р»

Бағдод тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими
Бағдод тумани Муқимий МФЙ, Бирдамлик кўчаси
Х/Р: 23 402 000 300 100 001 010
ИНН: 201 122 919, МФО: 000 14
Тошкент Марказий Банкнинг ХККМ
ШХР: 1000 2286 0302 0970 1190 6259 003
ИНН: 207 316 845

Раҳбар:



А.Хонкелдиев

«С О Т У В Ч И»

ООО PROGRESS-PLUS-BUSINESS

Бағдод тумани Ирғоли МФЙ, Ирғоли қишлоғи
Х/Р: 20 208 000 305 346 047 001
ИНН: 308 207 193, МФО: 007 94
АТ Халқ Банки Бағдод филиали

Раҳбар:

Б.Абдурахмонов